КПСС XXVI съезди қарорларини амалга оширамиз!

# РЕСПУБЛИКА БУНЁДКОРЛАРИНИНГ

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ, МОНТАЖ, СУВ ХЎЖАЛИГИ, ЛОЙИҲА ТАШКИЛОТЛАРИ ВА БИНОКОРЛИК МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ҲАМДА ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОРХОНАЛАРИ КОЛЛЕКТИВЛАРИНИНГ 1984 ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ

# СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

**КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь ва 1983 йил июнь ҳамда декабрь Пленумлари, партия XXVI съезди қарорларини амалга ошира бориб, Ўзбекистон қурилиш-монтаж, сув хўжалиги, лойиҳа ташкилотлари, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналари коллективлари ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилини янги меҳнат муваффақиятлари билан нишонладилар.**

**Капитал маблағлар сарфи ва қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани бажарилди. Саноатда, қишлоқ хўжалигида юзга яқин корхоналар, уларнинг филиаллари ва цехлари қурилиб, ишга туширилди. Улар орасида Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида аммиак, Янги Қўқон химия заводида олтингугурт кислотаси, «Навоиазот» бирлашмасида «Нитрон» толаси ишлаб чиқариш, Олмалиқ кон-металлургия комбинатида катанка, Учқулоч кони ва Жиззах аккумулятор заводининг биринчи навбатлари, Тошкент трактор заводида янги қувватлар ва Ленинск шаҳрида бу завод филиалининг ишлаб чиқариш майдонлари, 9 та пахта тозалаш заводи, Чиноз посёлкасида балиқ озуқалари заводи, Сирдарё—ТашГРЭС газ қувури ва бошқалар бор.**

**Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш корхоналарида анчагина янги қувватлар, шу жумладан Андижон ип газлама комбинатининг Уйчи, Ҳаққулобод ва Чинободдаги янги филиаллари, Қўқон пайпоқ тўқув-ип йигирув комбинатининг Учқўрғондаги филиали ишга туширилди.**

**Озиқ-овқат программасини амалга ошириш, агро-саноат комплексининг ва аввало, бутун қишлоқ хўжалигининг, шунингдек, озиқ-овқат ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан боғлиқ тармоқларини янада ривожлантириш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан алоқадор тадбирларнинг бажарилишига катта эътибор берилди. Гўшт ва тухум ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган бир қатор паррандачилик фабрикалари, чорва комплекслари ва бинолари қурилди. Шу жумладан, янги ғаллачорвачилик совхозларидаги қурилишлар кенгайтирилди.**

**89 минг гектар суғориладиган янги ер ўзлаштирилди. 80 минг гектар майдондаги ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди, капитал текислаш ва суғориш тармоқларини қайта қуриш бўйича план ошириб бажарилди.**

**Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобидан умумий майдони 6,3 миллион квадрат метр уй-жой, 31,3 минг ўринли мактабгача тарбия муассасалари, 3,2 минг ўринли касалхоналар, 5,2 минг кишини қабул қила олувчи поликлиникалар қурилди, умумий таълим мактаблари қурилиши йиллик планн ошириб бажарилди, уларнинг кўпчилиги янги ўқув йили бошланишигача фойдаланишга топширилди.**

**Қурилиш ташкилотларининг ишлаб чиқариш базасини янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича анчагина ишлар амалга оширилди. Нукус ва Тахиатош шаҳарларида уйсозлик комбинатлари ишга туширилди. Қарши шаҳридаги уйсозлик комбинатининг қуввати оширилди. Жиззах шаҳрида йиғма темир-бетон буюмлари заводи қурилди.**

**Ҳамма ерда бригада пудрати усули кенг жорий этилди. Қурилиш-монтаж ишлари жами ҳажмининг ярмидан кўпроғи бу усулга ўтган коллективлар томонидан бажарилди.**

**КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1982 йил ноябрь, 1983 йил июнь ва декабрь Пленумлари қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Ю. В. Андроповнинг ишлаб чиқариш қувватлари ва объектларини ишга туширишни тезлаштириш, халқ хўжалигининг барча тармоқларида капитал маблағлар самарадорлигини ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларига амал қилиб, республика қурилиш-монтаж, сув хўжалиги, лойиҳа ташкилотлари, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари 1984 юбилей йилида қуйидаги мажбуриятларни қабул қилдилар:**

**фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибани кенг жорий этиш, бригада пудрати усулини қўлланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтининг ноишлаб чиқариш сарфларини бартараф қилиш, меҳнат, моддий ва молиявий ресурсларни ишга тушириладиган объектларга энг кўп даражада марказлаштириш ҳисобига қурилиш товар маҳсулоти топшириқ ва қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича йиллик план 28 декабрда бажарилади. Янги Ангрен ГРЭСининг биринчи агрегати, Ховос-Фарғона газ қувури, Ўзбекистон металлургия заводида «300» ўрта сортли стани, Самарқанд ва Янги Қўқон химия заводларида аммофос ишлаб чиқариш бўйича янги қувватлар, Фарғона «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмасида карбамид ҳамда хлорит магний, Навоий электрохимия заводида фазалон, Жиззах заводида аккумуляторлар, «Андижанкабель» заводида, Советобод шаҳрида кабель буюмлари, Ленинск шаҳрида трактор прицеплари ишлаб чиқарувчи қувватлар, Тошкент трактор заводида янги қувватлар ва бошқалар белгиланган муддатларда, барвақт ишга туширилади.**

**Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш бўйича корхоналар қурилишини тезлаштириш ва ишга тушириш учун социалистик мусобақа давом эттирилади. Бухоро пардозлов фабрикаси ва Яккабоғ, Ҳаққулобод, Учқўрғон, Боғот, Ҳазорасп, Ургут, Паркент, Беруний, Хўжайли, Ленинск шаҳарларида, Ёрқишлоқ, Чувама посёлкаларида ип газлама ва тўқимачилик комбинатларининг филиаллари, Ильичевскда пайпоқ фабрикаси белгиланган муддатларда, барвақт ишга туширилади.**

**Енгил ва озиқ-овқат саноати корхоналари учун капитал маблағлар сарфи ва қурилиш-монтаж ишлари, шунингдек уй-жой ва социал ҳамда маданий-маиший объектларни ишга тушириш йиллик плани 25 декабрда бажарилади.**

**Қурилиш материаллари ишлаб чиқаришини ва қурилиш индустрияси корхоналарини ривожлантиришга ажратилган капитал маблағлар муддатидан илгари, 26 декабргача ўзлаштирилади. Хўжайли ва Чимбой ғишт заводларида ғишт ишлаб чиқарувчи янги қувватлар, Сариосиё посёлкасида темир-бетон буюмлари заводи ва бошқалар ишга туширилади.**

**Юз минг гектар майдондаги янги ерлар ўзлаштирилади ва мавжуд 80 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади. Бир йилда 12,4 миллион бош гўштга топшириладиган парранда боқиладиган, тухум олиш учун 250 минг товуқ сақланадиган паррандачилик фабрикалари, 50 минг бош бузоқ бўрдоқига боқиладиган комплекслар, умумий қуввати кунига 200 тонна ем тайёрлаш имконини берадиган бир қатор озуқа цехлари, Наманган областининг Учқўрғон шаҳрида нон маҳсулотлари комбинати ва Тошкент шаҳрида шоли оқланадиган завод қурилади.**

**Новгород областида мелиорация ишлари бўйича ва Ғарбий Сибирь комплекси районида йўл қурилиши бўйича топшириқ муддатидан илгари, 26 декабрда бажарилади, Байкал-Амур темир йўл магистралининг Куанда станциясида посёлка қуриш борасидаги ишлар давом эттирилади. Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 6,4 миллион квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади, бунинг 48 проценти биринчи ярим йилда ишга туширилади. Мактаблар, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртлари, соғлиқни сақлаш, савдо, аҳолига маиший ва коммунал хизмати кўрсатиш, социал таъминот, фан, халқ маорифи ва маданият объектлари белгиланган муддатда, барвақт ишга туширилади.**

**Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги юбилейигача Тошкент метрополитенининг Пахтакор станциясидан темир йўл вокзалигача бўлган оралиқдаги иккинчи линия биринчи навбати фойдаланишга топширилади.**

**Меҳнат унумдорлигини бир процент ошириш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,5 процент камайтириш бўйича топшириқ ошириб бажарилади. Тугалланмаган қурилишлар ҳажми планда белгиланган даражада камайтирилади. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 60 проценти, уй-жой қурилишида эса 85 проценти бригада пудрати усулида бажарилади. Барча уйсозлик комбинатларида бригада оралиқ пудрат усули жорий этилади.**

**Сифатни бошқаришнинг комплекс системасини такомиллаштиришни давом эттириб, янги прогрессив ва самарали қурилиш материалларини жорий эта бориб, объектларни «яхши» ва «аъло» баҳоларда кафолат паспортлари билан фойдаланишга топширишга эришилади. Лойиҳа-смета иши такомиллаштирилади, лойиҳаларда қурилишдаги замонавий фан-техника ютуқларини муваффақиятли қўлланиш кўзда тутилади.**

**Иқтисод ва тежамкорлик режимини кучайтириш учун ҳаракат ҳар томонлама авж олдирилади, 34900 тонна қора металл прокати, 99900 тонна цемент, 58400 кубометр ёғоч материаллари, 100 миллион киловатт-соат электр қуввати, 15 минг тонна шартли ёнилғи, 5 минг тонна дизель ёнилғиси, 5 минг тонна автобензин, 3800 гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.**

**Буюртмачи корхоналар ва ташкилотларнинг коллективлари қурилишларни ўз вақтида технология ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатлари, фойдаланувчи малакали кадрлар билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ўзлаштириш мажбуриятини оладилар.**

**Ташкилотлар ва корхоналар бўйича қуйидаги мажбуриятлар қабул қилинади.**

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚУРИЛИШ МИНИСТРЛИГИ

Товар қурилиш маҳсулоти бўйича йиллик план 28 декабрда бажарилади. Ўзбекистон металлургия заводида «300» ўрта сортли стани, Ленинск шаҳрида трактор прицеплари ишлаб чиқариш бўйича, Самарқанд химия заводида аммофос ишлаб чиқариш бўйича қувватлар муддатидан илгари, барвақт — 1 декабрда, Фарғона «Азот» бирлашмасида карбамид ва хлорат магний дефолианти ишлаб чиқариш қувватини 20 декабрда, Янги Қўқон химия заводида аммофос ишлаб чиқариш қувватини 21 декабрда, Бухоро тўқимачилик комбинатининг пардозлов фабрикасини 22 декабрда, Марғилондаги «Атлас» аврли газламалар ишлаб чиқариш бирлашмасида 1,4 миллион квадрат метр тайёр газлама ишлаб чиқарувчи қувватларни 1 декабрда, «Ангрен» кўмир разрези ишга тушириладиган комплексини, Тошкент шаҳридаги трактор заводида янги қувватлар, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида бир сменада 500 кишини қабул қилувчи поликлиникаси бўлган 240 ўринли касалхона — ноябрда ва Бухорода 80 ўринли юқумли касалликлар шифохонаси 1 декабрда фойдаланишга топширилади.

Уй-жойни фойдаланишга топшириш бўйича йиллик план 25 декабрда бажарилади, планга қўшимча 15 минг квадрат метр уй-жой топширилади.

Қурилишда йирик ҳажмли элементлар, узеллар, панеллар ва блокларни йиғма кўтариб турувчи ва ўровчи конструкциялари билан тўла ҳолда қўлланишнинг салмоғи жами қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 78 процентига кўтарилади, йирик панелли 670 минг квадрат метр уй-жой ёки 1984 йилги фойдаланишга топшириладиган уйлар жами ҳажмининг 71 процентини йирик панелли уйлар ташкил этади, уларнинг 51 проценти янги сериядаги типовой лойиҳалар бўйича қурилади. Янги прогрессив ва самарали материаллар ва конструкциялар, шу жумладан ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектларда 150 минг квадрат метр ҳажмдаги индустриал ўров конструкциялари, 76 минг квадрат метр ҳажмда биноларни ва иншоотларни рулонсиз ёпиш қурилмалари, 46 минг квадрат метр енгил металл конструкциялари, 190 минг куб метр енгил бетон конструкциялари жорий этилади.

Сифатни бошқаришнинг комплекс системасини такомиллаштириш борасидаги ишлар давом эттирилади. Шу асосда ишга тушириладиган объектларнинг камида 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилиши таъминланади. Қурилиш-монтаж ишларининг 60 проценти бригада пудрати усулида бажарилади, ўн бир уйсозлик комбинатида оралиқ бригада пудрати жорий этилади.

Ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ҳисобига қурилишда қўл ишлари салмоғи 1983 йилга нисбатан 2 процент камайтирилади, қурилиш ва саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш соҳасидаги топшириқ 1 процент ошириб бажарилади. Қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулоти таннархи пландагига қараганда 0,5 процент камайтирилади. Тугалланмаган ишлар ҳажми 1983 йилги даражадан 5 процент қисқартирилади.

Ихтиролар ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 7,2 миллион сўмлик миқдорда шартли иқтисодий самара олинади. 8100 тонна металл прокати, 2600 тонна цемент, 5800 кубометр ёғоч материаллари, 3 минг тонна шартли ёқилғи, 1000 гигакалория иссиқлик энергияси ва 6,2 миллион киловатт-соат электр қуввати, 2404 тонна ёқилғи-мойлаш материаллари тежалади.

14 минг ишчи, 2000 инженер-техник ходим ва хизматчи тайёрланади ҳамда малакаси оширилади. Министрлик пансионатларида дам олиш учун 3000 ходим ва пионер лагерларида дам олиш учун қурувчиларнинг 55000 фарзанди путёвкалар билан таъминланади.

Кадрлар қўнимини ошириш бўйича, уларнинг уй-жой ва маданий-маиший шароитларини яхшилаш бўйича ишлар давом этади. Ёрдамчи хўжаликларда гўшт етиштириш 230 тоннага, тухум — 645 минг донага, сут — 28 тоннага, сабзавот маҳсулотлари ва мева — 219 тоннага етказилади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ МИНИСТРЛИГИ

Товар қурилиш маҳсулоти бўйича план 28 декабрда бажарилади. Планга қўшимча 260 минг сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади ва тугалланмаган ишлар ҳажми план нормативига етказилади.

Агросаноат комплекси таркибига кирувчи ишлаб чиқариш, уй-жой ва социал маиший объектлар қурилиши жадал суръатлар билан олиб борилади. Бу объектлардаги қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани барвақт, 27 декабрда бажарилади. Планга қўшимча 5000 квадрат метр уй-жой топширилади. Биринчи ярим йилликда йиллик планнинг камида 41 проценти миқдоридаги уй-жойлар фойдаланишга топширилади.

Қарши тикувчилик фабрикасининг Баҳористондаги филиали 15 сентябрда, Боғот посёлкасидаги тўқувчилик филиали 15 декабрда, Яккабоғ шаҳридаги тўқувчилик филиали 25 декабрда, ип газлама комбинатининг Ёрқишлоқ посёлкасидаги йигирув-тўқув филиали 15 декабрда, Тошкент ва Самарқанд паррандачилик фабрикаларидаги қувватлар 29 декабрда, Фарғона областининг Риштон районидаги ғишт заводи 15 декабрда фойдаланишга топширилади.

Обручеводаги сопол девор материаллари заводи, Зоминда болали ота-оналар учун қурилаётган ВЦСПС санаторийси қурилишидаги қурилиш-монтаж ишлари плани 15 декабргача бажарилиши таъминланади ва бу комплекслар 1985 йилда фойдаланишга топшириш учун тайёрланади.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 60 проценти бригада пудрати усулида бажарилади.

Янги техникани жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ва иш вақтининг йўқотилишини камайтириш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича топшириқ 1 процент ошириб бажарилади, маҳсулот таннархи топшириқда белгиланганидан 0,5 процент камайтирилади.

Қурилиш ва монтаж ишларини олиб боришнинг прогрессив технологиясини жорий этиш, механизациялашнинг самарали воситаларини қўлланиш ҳисобига қўлда бажариладиган ишлар ҳажмини тупроқ ишлари чоғида — 4, бетон, сувоқ ва бўёқ ишлари чоғида — 3 ва юк ортиш-тушириш ишлари чоғида 5 процент камайтиришга эришилади.

Ишлаб чиқаришга янги техника ва рационализаторлик таклифлари ҳамда ихтироларни жорий этишдан 3 миллион 750 минг сўм шартли иқтисодий самара олинади.

Моддий ва энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳисобига 2930 тонна металл прокати, 1400 тонна цемент, 8 минг кубометр ёғоч материаллари, 1700 тонна бензин, 950 тонна дизель ёнилғиси, 4000 гигакалория иссиқлик энергияси, 700 минг киловатт-соат электр қуввати тежалади.

5400 ишчи қурувчилик касбларига ўқитилади, 7600 ишчи ва 1470 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади. Иқтисодий таълимга 18 минг киши жалб этилади. 23400 квадрат метр хусусий уй-жой фойдаланишга топширилади.

Ёрдамчи қишлоқ хўжалик корхоналари миқдори 70 тага етказилади, уларда 50 тонна гўшт, 20 тонна сут, 26 минг дона тухум, 100 тонна дон етиштирилади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР МОНТАЖ ВА МАХСУС ҚУРИЛИШ ИШЛАРИ МИНИСТРЛИГИ

Пудрат ишлари йиллик плани 28 декабрда бажарилади. Планга қўшимча 2,7 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилади. Саноат корхоналари маҳсулотини реализация қилиш плани 29 декабрда бажарилиб, планга қўшимча 350 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлаб чиқариш қувватларини ноябрда, Марғилон «Атлас» бирлашмасида ва Самарқанд химия заводида — 1 декабрда, Янги Қўқон химия заводи, Бухоро тўқимачилик комбинати ва Фарғона «Азот» бирлашмасида — 22 декабрда ва Енгил саноат министрлиги филиалларида — белгиланган муддатларда фойдаланишга топширишни таъминловчи монтаж ва махсус қурилиш ишлари барвақт бажарилади.

Монтаж ишлари ва саноат маҳсулоти сифати оширилади, объектларнинг камида 98 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилишига эришилади.

Монтаж ишлари техника даражасини ошириш асосида қурилишда ва саноатда меҳнат унумдорлигини ошириш бўйича белгиланган топшириқ 1 процент ошириб бажарилади. Қурилиш-монтаж ишлари таннархини топшириқда белгиланганидан 0,5 процент камайтириш таъминланади, тугалланмаган қурилишлар ҳажми план нормативи даражасида камайтирилади. Йиллик қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 60 проценти бригада пудрати усулида бажарилади.

Ихтироларни ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига 3,3 миллион сўмлик шартли иқтисодий самара олинади. 450 тонна металл прокати ва трубалар, 710 минг киловатт-соат электр қуввати, 100 тонна дизель ёнилғиси, 100 тонна автобензин, 180 гигакалория иссиқлик энергияси, 190 тонна шартли ёқилғи тежалади.

3200 киши монтажчи касбларига ўқитилади, 3500 ишчи ва 550 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади, 4090 квадрат метр хусусий уй-жой ишга туширилади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ҚУРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ МИНИСТРЛИГИ

Пудрат ишлари бўйича план 25 декабрда, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича план — 30 декабрда бажарилади, планга қўшимча 1,75 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилади, 0,06 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Ўз транспортининг барча турлари бўйича юк ташиш плани 25 декабрга бажарилади. Планга қўшимча 320 минг тонна халқ хўжалик юклари ташилади. Ғарбий Сибирь комплекси районида 40 километр автомобиль йўли қуриб фойдаланишга топширилади.

Объектларнинг камида 90 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан топширилади.

Беш турдаги темир-бетон конструкцияларини олий сифат категорияси бўйича ишлаб чиқариш амалга оширилади.

Иш вақтини йўқотишни қисқартириш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига меҳнат унумдорлигини ўстириш бўйича топшириқ 1 процент ошириб бажарилади.

127 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бригада пудрати усулида амалга оширилади.

Янги техника ва рационализаторлик таклифларини жорий этиш ҳисобига камида 1,7 миллион сўмлик йиллик шартли иқтисодий самара олинади. 75 тонна металл прокати, 100 кубометр ёғоч материаллари, 200 тонна цемент, 1,98 миллион киловатт-соат электр қуввати, 2 минг тонна шартли ёқилғи, 200 тонна автобензин, 200 тонна дизель ёнилғиси тежалади.

Йўл техникасидан фойдаланиш коэффициенти ўртача 0,650 га етказилади.

Янгидан 510 ишчи тайёрланади, 545 ишчи ва 205 инженер-техник ходимнинг малакаси оширилади.

Министрлик ташкилотлари ва корхоналарининг ёрдамчи хўжаликлари ривожлантирилади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР МЕЛИОРАЦИЯ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МИНИСТРЛИГИ

Товар қурилиш ва саноат маҳсулоти реализацияси бўйича йиллик план 26 декабрда бажарилади ва қўшимча равишда 5 миллион сўмлик товар қурилиш ва 0,5 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Белгиланган планга қўшимча 200 гектар суғориладиган ер фойдаланишга топширилади, 2000 гектар майдон мелиоратив жиҳатдан яхшиланади, суғориладиган массивларда минг гектар ер капитал текисланади ва 15 минг квадрат метр уй-жой қурилади.

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси юбилейигача, муддатидан илгари Туямўйин гидроузели асосий иншоотларини сув тўплашга тайёрлаш поёнига етказилади, Аму-Занг насос станцияси ва Қоровултепа сув омборининг фойдаланишга топшириладиган комплексларининг биринчи навбатлари ишга туширилади.

Туямўйин гидроэлектростанциясининг икки агрегати учинчи кварталда ишга туширилади ва Ҳисорак сув омборида суғориш мавсумигача 50 миллион кубометр сув тўпланадиган ҳажм тайёрланади. Тошкент мотор заводи қурилиши биринчи кварталда тугалланади, 4 минг ўринли барча фойдаланишга топшириладиган мактаблар 25 августгача қуриб битказилади. Хўжайли ип газлама комбинати ишга туширилиши таъминланади.

Қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулоти таннархи планда кўрсатилганидан 0,5 процент пасайтирилади, меҳнат унумдорлиги эса 1 процент оширилади.

Ноқоратупроқ зона объектларида пудрат ишлари плани 20 декабрда бажарилиши таъминланади.

Механизациялаш даражаси оширилади ва қўлда бажариладиган ишлар ҳажми 1 миллион сўмлик камайтирилишига эришилади.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 61 проценти бригада пудрати усулида бажарилади, тугалланмаган ишлар ҳажми план нормативига қадар камайтирилади.

Қурилиш сифати яхшиланади. Объектларнинг камида 96 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан фойдаланишга топширилади.

Рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 3,5 миллион сўмлик шартли тежам олинади.

Министрлик ходимлари учун 40 минг квадрат метр уй-жой, 1190 ўринли мактабгача тарбия муассасалари қуриб фойдаланишга топширилади.

1085 тонна металл прокати, 6474 тонна цемент, 3254 кубометр ёғоч материаллари, 3000 тонна шартли ёқилғи ва 30 миллион киловатт-соат электр қуввати, 100 тонна дизель ёнилғиси, 500 тонна автобензин, 4000 гигакалория иссиқлик энергияси тежалади.

### ТОШКЕНТ БОШ ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ

Товар қурилиш маҳсулоти, қурилиш-монтаж ишларининг белгиланган ҳажми ва саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 28 декабрда бажарилади. Планга қўшимча 1,4 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқарувчи саноат тармоқлари бўйича қурилиш-монтаж ишлари плани 29 декабрда бажарилади.

Йиғма-блокли уйсозлик заводи муддатидан илгари ишга туширилади. Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмасида йиллик қурилиш-монтаж ишлари плани 25 декабрда бажарилади.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, фан ва техника ютуқлари ҳамда илғор тажрибани ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш ҳисобига қурилишда ва саноатда меҳнат унумдорлигини пландан ташқари 1 процент оширишга, қурилиш-монтаж ишлари таннархини 0,5 процент пасайтиришга эришилади.

Қўл меҳнати салмоғи 1983 йилги даражадан 1,1 процент камайтирилади.

Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг 60 проценти, шу жумладан уй-жой қурилишида 80 проценти бригада пудрати усулида бажарилади.

Қурилиш-монтаж ишлари ва саноат маҳсулоти сифати оширилади, битказилган уй-жойлар ва маданий-маиший объектларнинг камида 75 проценти «яхши» ва «аъло» баҳоларда фойдаланишга топширилишига эришилади.

Янги техника ва рационализаторлик таклифларини жорий этишдан 10,2 миллион сўмлик йиллик шартли иқтисодий самара олинади.

4154 тонна цемент, 1100 тонна металл прокати, 2189 кубометр ёғоч материаллари, 4,8 миллион киловатт-соат электр қуввати, 10000 гигакалория иссиқлик энергияси, 2000 тонна шартли ёқилғи, 460 тонна автобензин, 180 тонна дизель ёнилғиси тежалади. 10000 ишчи, 1070 инженер-техник ходим ва хизматчи тайёрланади ҳамда малакаси оширилади. Иқтисодий таълимнинг турли формаларига 22 минг киши жалб этилади.

### ЎЗБЕКИСТОН ССР СУВ ХЎЖАЛИГИ ҚУРИЛИШИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

Қурилиш-монтаж ишлари плани 24 декабрда бажарилади, планга қўшимча 6 миллион сўмлик иш амалга оширилади.

Планга қўшимча 100 гектар янги суғориладиган ер ўзлаштирилади, 500 гектар майдонда капитал текислаш ишлари амалга оширилади, 1000 гектар ернинг мелиоратив ҳолати яхшиланади, планга қўшимча 2000 квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

РСФСРнинг Владимир ва Новгород областларида оталиқ ёрдами кўрсатиш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши таъминланади.

Объектларнинг 98 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан, 60 процентга яқини кафолат паспортлари бўйича фойдаланишга топширилади.

«Ҳамза-ёрдамчи» ва «Қизилтепа» насос станциялари Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси ташкил этилганлигининг 60 йиллигигача қуриб битказилади ва фойдаланишга топшириш таъминланади. Катта Наманган каналида насос станцияси қурилиши 15 декабрда, Оқпилол селхонаси 1 июлгача қурилиб, ишга туширилади.

Бухоро ип газлама комбинатининг Хазорасп шаҳридаги филиали, Андижон ип газлама комбинатининг Пойтуғ посёлкасидаги филиали 27 декабрда, Ильичевск пайпоқ фабрикаси 28 декабрда фойдаланишга топширилади ҳамда Советободда кабель заводи ишга туширилиши таъминланади.

Ишчиларнинг маиший шароитларини яхшилаш учун 30 минг квадрат метр хусусий уй-жой ва 280 ўринли болалар боғчаси қурилади. Ялпи саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича план 1984 йил 26 декабрда бажарилади. Планга қўшимча 400 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади.

4300 тонна цемент, 580 тонна металл, яхлитлаштириб ҳисоблаганда 300 кубометр ёғоч материаллари, 200 тонна шартли ёқилғи, 0,03 миллион киловатт-соат электр қуввати, 1800 тонна дизель ёнилғиси тежалади.

Тупроқ ишлари бажарувчи техника бўйича унумдорлик нормаси кўрсатилганига қараганда оширилади.

Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этиш ҳисобига 4 миллион сўмлик шартли иқтисодий самара олинади. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажмининг камида 60 проценти бригада пудрати усулида бажарилади. Меҳнат унумдорлигини оширишни планда кўрсатилганидан 1 процент кўтариш ва қурилиш-монтаж ишлари таннархини белгиланганидан ярим процент камайтиришга эришилади.

Ишлаб чиқаришда 4200 янги ишчи, шу жумладан 226 механизатор тайёрланади.

### «ГЛАВСРЕДАЗИРСОВХОЗСТРОЙ»

План пудрат ишлари бўйича 26 декабргача, товар қурилиш маҳсулоти ва саноат маҳсулотларини реализация қилиш бўйича 28 декабргача бажарилади, планга қўшимча 5,0 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 2 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинади.

Жиззах аккумулятор заводи ва Тахиатош шаҳридаги керамзит заводи 25 декабрдан кечиктирилмай фойдаланишга топширилади.

Қарши ва Жиззах чўллари иккинчи навбатини ўзлаштириш ишлари авж олдирилади.

Толлимаржон сув омбори қурилиши тугалланиб, Мелиораторлар кунига қадар сув тўпланадиган қисми тахт қилиб қўйилади.

39600 гектар суғориладиган янги ерлар ўзлаштирилиб, умумий саҳни 455 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади.

РСФСР Ноқоратупроқ зонаси хўжаликларига оталиқ ёрдами кўрсатиш давом эттирилади.

Объектларнинг 92 проценти «яхши» ва «аъло» баҳолар билан, жумладан, 63 проценти гарантияли паспорт билан топширилади.

Қурилишда меҳнат унумдорлиги планга қўшимча 1 процент оширилади ва қурилиш-монтаж ишлари таннархи пландагига қўшимча 0,5 процент камайтирилади.

Тупроқ ишларини бажарадиган техниканинг йиллик иш унуми оширилади. Қурилиш-монтаж ишлари умумий ҳажмининг 63 проценти бригада пудрати усули билан бажарилади. Тугалланмаган қурилишлар ҳажми пландаги норматив даражасида камайтирилади.

24710 тонна цемент, 4325 тонна металл прокати, 4770 кубометр ёғоч-тахта, 30 миллион киловатт-соат электр энергия тежаб қолинади. Рационализаторлик таклифлари ва ихтироларни жорий этишдан 4,4 миллион сўмлик шартли иқтисодий самара олинади.

18500 янги ишчи тайёрланади, 28 минг ишчи ва 848 инженер-техник ходим ҳамда раҳбар ходимларнинг малакаси оширилади.

Кадрлар муқим бўлиб қолишини таъминлаш, уларнинг уй-жой, маданий-маиший шароитини яхшилаш ишлари давом эттирилади.

Ёрдамчи хўжаликларда гўшт етиштириш 330 тоннага, сут 320 тоннага, тухум 315 минг донага, сабзавот, картошка етиштириш 220 тоннага етказилади.

### «УЗКОЛХОЗСТРОЙ»

Пудрат ишлари плани 25 декабргача бажарилиб, йиллик планга қўшимча 3 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари адо этилади, саноат маҳсулоти реализация қилиш плани 30 декабргача бажарилиб, планга қўшимча 100 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми пландаги норматив даражасига камайтирилади.

Уй-жойлар, жумладан кооператив уй-жойлар муддатидан олдин, 26 декабргача, мактаблар 1 сентябргача, чорвачилик бинолари 1 декабргача, ип-газлама комбинатининг Фарғона область Тошлоқ, Андижон область Ленинск, Наманган область Ҳаққулобод филиаллари 1 декабргача ишга туширилади.

(Давоми учинчи бетда).

